

**МИЛЛИЙ ЧОЛГУЛАР КЎП ОВОЗЛИ АНСАМБЛЬ ВА  
ОРКЕСТРЛАРИНИНГ  
“НАВРЎЗ САДОЛАРИ” НОМЛИ  
МАСОФАВИЙ VIII ХАЛҚАРО WEB МУСИҚА КЎРИК ФЕСТИВАЛИ  
Н И З О М И**

*Ўтказилиш муддати: апрель-май 2022*

Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 8 августдаги ПҚ-3178-сонли “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисидаги”, 2018-йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сонли қарорига асосан, шу билан бирга, 2019-йилнинг 19-март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган 5 ташаббуснинг биринчиси, яъни ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилувчи ташаббуснинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Оркестр дирижёрлиги" кафедраси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида халқ чолғулари кўп овозли ансамбль ва оркестрларининг “Наврўз садолари” номли масофавий VIII Халқаро web мусиқа кўрик фестивалини ўтказди.

Ушбу Халқаро мусиқа кўрик фестивали ёш ижрочиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантиришга, мусиқий ижро жараёнида янги ижодий услубларни эгаллашга, жаҳон мумтоз композиторларининг асарлари, ўзбек ва бошқа халқлар бастакорлари куйларидан баҳраманд бўлиш, шунингдек, ўзбек мусиқа маданиятини юксак даражага кўтаришга ҳамда миллий мусиқий ижрочилик санъатини дунё сахналарига олиб чиқиш ва тарғибот этишда ёрдам беради.

Мазкур кўрик фестивал, қобилиятли ёшларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, уларни яратувчанлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёш созанда ижрочиларни ўз мутахассислиги бўйича юқори натижаларга эришишга, миллий чолғуларда жамоавий ижрочиликни ривожлантиришга, мусиқий ижрочилик жараёнида янги ижодий услублар яратишга, жаҳон композиторларининг асарларини тарғиб этиш орқали миллий мусиқа маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

### **Кўрик фестивалнинг таъсисчилари ва ташкилотчилари:**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;

Ўзбекистон давлат филармонияси;

“Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси;

Швейцариянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармалари;

“Сўғдиёна” давлат миллий чолғулар камер оркестри;

Ўзбекистон давлат консерваторияси "Оркестр дирижёрлиги" кафедраси;

"Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси.

## **Кўрик фестивалъ мақсади:**

Марказий Осиё давлатларининг вилоят, шаҳар ва туманларида, Ўзбекистон Республикасининг вилоят, шаҳар ва туманларида миллий чолғуларида кўп овозли ижрочиликни ривожлантиришга ёрдам бериш, миллий ижрочилик анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, ёшларнинг маънавият ва маданиятини ўстириш, Она Ватан учун фахр туйғусини тарбиялаш, ватанпарварлик мавзудидаги тўлақонли бадиий асарларни яратиш, ижрочилик маҳоратини ошириш ва миллий чолғулар ансамбли ва оркестрларининг ижодий фаолиятини жадаллаштириш, халқаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ижрочилик репертуарларини бойитиш ва замонавий мусиқа билан таништиришдир.

## **I. МАСОФАВИЙ КЎРИК-ФЕСТИВАЛНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ**

Халқ чолғулари кўп овозли ансамбль ва оркестрларининг “Наврўз садолари” номли масофавий халқаро WEB мусиқа кўрик фестивали (кейинги ўринларда кўрик-фестивалъ) иштирокчилар ёшига қараб, 4 гуруҳга бўлинган ҳолда ҳар йили ўтказилади:

**Биринчи гуруҳ: 3 ёшдан 7 ёшгача** – мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари,

**Иккинчи гуруҳ: 8 ёшдан 15 ёшгача** – болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаб-интернатлари ўқувчилари,

**Учинчи гуруҳ: 15 ёшдан 18 ёшгача** – ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаб-интернатлари ўқувчилари,

**Тўртинчи гуруҳ: 19 ёшдан 23 ёшгача** – олий таълим муассасалари талабалари.

Масофавий кўрик фестивалъ интернет орқали ўтказилади. Бунда иштирокчи жамоалар ўз ижро дастурини Youtube интернет тармоғига

жойлаштириб, унинг электрон манзилини керакли хужжатлар билан бирга 2022-йилнинг 20-апрелигача Ташкилий кўмита электрон почтасига (sogdi\_orch@mail.ru) ёки Телеграм мобил иловаси ёрдамида (+998946976474 рақамига) юборишлари шарт. Ушбу муддатдан кейин юборилган материаллар қабул қилинмайди.

2022-йилнинг 5-6-май саналарида Ташкилий кўмита томонидан тузилган Ҳакамлар ҳайъати Ўзбекистон давлат консерваториясида иштирокчиларнинг ижросини тинглаб, уларга тегишли ўрин ва дипломларни таъсис этадилар. Диплом, кубок, сертификат ва совғалар почта орқали иштирокчиларга юборилади.

### **Ижро дастурига бўлган талаблар:**

#### **Биринчи гуруҳ (3 ёшдан 7 ёшгача):**

- ансамбль учун шартли асар: Ўзбек халқ куйи – “Яллама ёрим”
- ансамбль учун ихтиёрий битта асар (2 дақиқагача).

#### **Иккинчи гуруҳ (7 ёшдан 15 ёшгача):**

- ансамбль ёки оркестр учун шартли асар:
  - О.Холмухаммедов – "Рақс" (кўп овозли ансамбль учун)
  - Ғ.Қодиров – "Сюита 3-қисм" (оркестр учун)
- ансамбль ёки оркестр учун ихтиёрий битта асар (5 дақиқагача).

#### **Учинчи гуруҳ (15 ёшдан 18 ёшгача):**

- ансамбль ёки оркестр учун шартли асар:
  - М.Отажонов – "Ёғдулар" (кўп овозли ансамбль учун)
  - М.Ашрафий – "Сўзсиз кўшиқ" (оркестр учун)
- ансамбль ёки оркестр учун ихтиёрий битта асар (5 дақиқагача).

#### **Тўртинчи гуруҳ (19 ёшдан 23 ёшгача):**

- ансамбль ёки оркестр учун шартли асар:
  - Т.Қурбонов – "Севинч" (кўп овозли ансамбль учун)
  - Ф.Алимов – "Табрикнома" (оркестр учун)
- ансамбль ёки оркестр учун ихтиёрий битта асар (5 дақиқагача).

**Танловнинг шартли асарларини қуйидаги QR кодни сканерлаш орқали ёки Телеграм иловаси орқали +998946976474 рақамига мурожаат этиб юклаб олишингиз мумкин:**



**Ансамбллар таркибида чолғуларнинг қуйидаги турлари бўлиши мумкин:**

- бир турдаги чолғулар - дуэт, трио, квартет, квинтет ва ҳ.к.;
- аралаш таркибдаги жамоалар - урма чолғулар қўшилган ҳолда.

**Кўрик-танловнинг шартлари:**

- Танловнинг шартли ижро дастури ҳар йилги ўтказиладиган фестивалда ўзгартирилади;
- Ансамбль ва оркестр созандалари таркибида фақат ўқувчилар бўлиши лозим, ўқитувчи ва жўрнавозларнинг ижро этиши таъқиқланади.
- Фестивалда иштирок этувчи оркестр жамоаси раҳбари билан биргаликда 50 кишидан, ансамбль жамоаси эса раҳбари билан биргаликда 14 кишидан ошмаслиги керак.
- Ижро дастури, профессионал видеокамера ёрдамида юқори форматда, микрофонлар билан ёзилган бўлиши шарт. Видео ҳамда аудиоёзувни монтаж қилишга, турли хил эффект беришга рухсат этилмайди, жонли ижро бўлиши шарт, фонограмма билан ижро этишга рухсат этилмайди.
- Ижро дастури жамоанинг ижрочилик хусусияти, жанр жихатдан йўналиши, унинг ижрочилик имкониятлари ва яққанавоз созандаларнинг маҳоратини ифода этиши лозим. Дастурга қайта ишланган ўзбек халқ

қуйлари, Ўзбекистон, ҳамдўстлик ва чет эл композиторларнинг асарлари киритилиши мумкин.

- Иштирокчи жамоа ўз аризасида қайси гуруҳга тегишлилигини аниқ кўрсатиши лозим.

## **II. МАСОФАВИЙ ХАЛҚАРО КЎРИК-ФЕСТИВАЛДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗАЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ**

Халқ чолғулари кўповозли ансамбль ва оркестрларининг “Наврўз садолари” номли масофавий VIII Халқаро WEB мусика кўрик-фестивалида иштирок этиш истагини билдирган ансамбль ва оркестрлар, қуйидаги хужжатларни **2022 йилнинг 20-апрель санасигача** Ташкилий кўмига тақдим этишлари лозим:

- жамоа ижросидаги видеонинг Youtube интернет тармоғидаги манзили.
- ансамбль ёки оркестр раҳбарининг Ф.И.Ш., шахсини тасдиқловчи хужжати нусхаси (паспорт), электрон почта манзили, телефон рақами (коди билан);
- ансамбль ёки оркестр ижрочиларининг рўйхати (Ф.И.Ш., туғилган вақти, чолғу номи), уларнинг шахсини тасдиқловчи хужжати нусхаси, қайси гуруҳга тегишлилиги;
- ансамбль ёки оркестрнинг ижро дастури (якканавозларнинг исми шарифи билан);
- таълим муассасасининг почта манзили ва почта индекси (**электрон почта манзили эмас!** Мисол учун: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Почта индекси: 100027).

**Изоҳ:** Хужжатлар электрон тарзда Ташкилий кўмитанинг электрон почтаси: **sogdi\_orch@mail.ru** ёки Telegram орқали **+99894 697-64-74** телефон рақамига юборилиши керак.

### **III. МУКОФОТЛАШ ВА РАВБАТЛАНТИРИШ**

Ижро сифати Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади ва энг яхши ижро учун ғолиблик дипломи ва совғалар тақдим этилади.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан Гран-При, I, II, III-ўринни эгаллаган жамоалар тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг дипломлари, лауреатлик унвони ва кубоги, жамоаларнинг раҳбарлари таъсисчилар, ташкилотчилар ва ҳомийларнинг совғалари билан, ҳар бир иштирокчи эса сертификат билан тақдирланадилар.

### **IV. КЎРИК -ФЕСТИВАЛГА МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТАРТИБИ**

Кўрик фестивалнинг ташкилий масалалари ҳамда мукофотлари билан боғлиқ барча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат филармонияси, “Соғлом авлод учун” Ҳалқаро ҳайрия фонди, Ўзбекистондаги Швейцария элчихонаси ва “Тасвирий ойна” ижодий уюшмалари томонидан қопланиши белгиланган.

### **V. ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР**

1. Барча иштирокчилар билан боғлиқ тегишли ҳужжатлар, Халқаро танлов Ташкилий қўмитаси томонидан расмийлаштирилади.

2. Масофавий VIII Халқаро web мусиқа кўрик-фестивали натижалари интернет саҳифаларида **жорий йилнинг 15-май куни эълон қилинади**, шунингдек ғолиб жамоаларнинг видеоёзувлари Youtube интернет тармоғининг **<https://www.youtube.com/c/navruzadolari>** саҳифасига жойлаштирилади.

Танлов натижалари эълон қилинадиган сайтлар:

[www.filarmoniya.uz](http://www.filarmoniya.uz)

[www.sogdianaorchestra.uz](http://www.sogdianaorchestra.uz)

[www.youtube.com/c/navruzsadolari](http://www.youtube.com/c/navruzsadolari)

[www.instagram.com/navruz\\_sadolari](http://www.instagram.com/navruz_sadolari)

[www.facebook.com/sogdiana.orchestra](http://www.facebook.com/sogdiana.orchestra)

[www.instagram.com/sogdiana.orchestra](http://www.instagram.com/sogdiana.orchestra)

**Ташкилий қўмита манзили:**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 1-уй.

Индекс: 100027

**Фестиваль ижрочи директори:**

Шохёр Бахромов +99890 317-91-19

**Фестиваль администратори:**

Абдумажид Карабаев +99894 697-64-74

**Фестиваль бадий раҳбари ва координатори:**

Фируза Абдурахимова +99890 911-47-07

**Электрон манзил:**

sogdi\_orch@mail.ru

**Ахборот кўмаги:**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Ахборот ресурс  
маркази.

**“НАВРЎЗ САДОЛАРИ”**  
**МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАР КЎП ОВОЗЛИ АНСАМБЛЬ ВА**  
**ОРКЕСТРЛАРИ**  
**VIII ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ШАРТЛИ ДАСТУРИ:**

**1-гурух (3 ёшдан 7 ёшгача):**

Миллий чолғулар кўп овозли ансамбллари шартли дастури:

1. Ўзбек халқ куйи – "Яллама ёрим".
2. Ихтиёрий асар

**2-гурух (7 ёшдан 15 ёшгача):**

Миллий чолғулар кўп овозли ансамбллари шартли дастури:

1. О.Холмухаммедов – "Рақс"
2. Ихтиёрий асар

Миллий чолғулар оркестрлари шартли дастури:

1. Ғ.Қодиров – "Сюита 3-қисм"
2. Ихтиёрий асар

**3-гурух (15 ёшдан 18 ёшгача):**

Миллий чолғулар кўп овозли ансамбллари шартли дастури:

1. М.Отажонов – "Ёғдулар".
2. Ихтиёрий асар

Миллий чолғулар оркестрлари шартли дастури:

1. М.Ашрафий – "Сўзсиз қўшиқ"
2. Ихтиёрий асар

**4-гурух (19 ёшдан 23 ёшгача):**

Миллий чолғулар кўп овозли ансамбллари шартли дастури:

1. Т.Қурбонов – "Севинч".
2. Ихтиёрий асар

Миллий чолғулар оркестрлари шартли дастури:

1. Ф.Алимов – "Табрикнома"
2. Ихтиёрий асар